



ЖАМИЯТ

№ 38 (715)
2020 йил
25 сентябрь,
Жума

Диний-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru

Бир пайтлар ўқитувчи

кўча супурарди...



Ўша йилларда олдиндан “урф”га айланиб қолган мажбурий меҳнат авжига чиққанди. Ўқитувчилару ўқувчилар кўшни туманларга пахта йиғим-теримига ва бошқа мавсумий ишларга, айрим ҳолларда, ҳатто, кўча супуришгача жалб қилинарди. Бундай тутум натижасида таълим соҳаси жар ёқасига келиб қолди.

Парламентлараро алоқалар



“Ҳар тўрт инсоннинг бирида руҳий муаммо!”



Сен бой бўлсанг, маҳалланг ҳам, юртинг ҳам бой бўлади



Ёрдамга муҳтожлар доим топилади



ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИНГ!

Ўзбекистонда ID-карталарни жорий этиш тартиби тасдиқланди.

Кейинги йилларда юртимиз ташқи сиёсатида, аввало, қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Парламентлараро алоқалар қўшничиликни мустаҳкамлайди

Марказий Осиёнинг Ўзбекистон ташқи сиёсатида энг устувор йўналиш сифатида белгилаб олинган минтақадаги барча давлатлар, жумладан, Тожикистон билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини жадал ривожлантириб бориш имконини берганини ўзаро ҳамкорлик алоқалари кун-сайин ривожланиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ва Тожикистон Марказий Осиёдаги бир-бирига чамбарчас боғланган мамлакатлар ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, *“Ўзбек ва тожик халқлари бир дарахтнинг иккита шохига, битта дарёнинг иккита irmoғига ўхшайди. Биз халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашимиз ва ҳимоя қилишимиз керак”*.

Сўнгги тўрт йил давомида дўстона муносабатлар ва мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Бу, аввало, Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг сиёсий иродаси ва стратегик қарашлари натижасидир. 2016 йил сентябрь ойдан бошлаб Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари турли саммитлар ва ўзаро ташрифлар доирасида мунтазам учрашиб келмоқда.

Олий даражадаги учрашувлар ўзаро муносабатлар ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатларимиз деярли барча соҳада илгари мисли кўрилмаган ютуқларга эришди.

2015 йилдан бери ўзаро савдо ҳажми қарийб 3 баравар ошди. Ҳозир ҳам пандемияга қарамай, ўзаро савдодаги ўсиш сақланиб қолмоқда. Илгари Ўзбекистон – Тожикистон капитали иштирокидаги бирорта корхона фаолият юритмаган эди. Бугунги кунда эса уларнинг сони 170 дан ортиқни ташкил этмоқда.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида ҳал бўлмаган бирорта муаммо қолмади. Энг нозик ва мураккаб масалалар ҳам ўз ечимини топмоқда. Албатта, бу ўзгаришлардан биринчи гада оддий фуқаролар манфаат кўрмоқда. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг минглаб фуқаролари кўп йиллардан бери биринчи марта ўз қариндош ва биродарлариникига бемалол бориб келиш имконига эга бўлди. Уч йил олдин Ўзбекистон – Тожикистон чегарасидан ҳар кун бор-йўғи 3-3,5 минг киши ўтган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 20 минг нафарни ташкил этмоқда.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигида парламентлараро

алоқалар муҳим ўрин тутди. 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Вакиллар палатаси ўртасида парламентлараро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган бўлиб, унда парламентлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланган.

Айниқса, парламент делегациялари алмашинувини доимий йўлга қўйиш, парламентларнинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти юзасидан ўзаро тажриба алмашишига катта эътибор қаратилган.

Битимда ҳар иккала парламент кўмиталари ва комиссиялари, депутатлик гуруҳлари, девонлари ўртасида доимий ҳамкорлик ўрнатиш, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш амалиётини, парламент фаолияти тажрибасини ўрганиш мақсадида ўзаро делегациялар алмашиш ўз аксини топди.

Бундан ташқари, ўзаро манфаатли халқаро масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш, халқаро ташкилотлар ва конференциялар доирасида

ҳамкорликни амалга ошириш ва бир-бирига кўмаклашиш алоҳида қайд этилган ҳамда биргаликдаги фаолият самардорлигини ошириш мақсадида парламентлараро ҳамкорликнинг доимий амал қилувчи механизмининг йўлга қўйиш кўрсатиб ўтилган.

Ушбу битим доирасида 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, қуйи палатанинг Тожикистон Республикаси Мажлиси намоёндагон Мажлиси Оли билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ раиси У.Иноятов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегациясининг Тожикистонга ташрифи бошланди.

Делегация икки мамлакат парламентларининг дўстлик ва ҳамкорлик бўйича гуруҳлари биринчи қўшма йиғилишида иштирок этади. Унда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида парламентларимиз фаоллигини ошириш, айниқса, сўнгги тўрт йил давомида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, инвестициявий ва технологик, маданий-гуманитар, транс-

порт-коммуникация ва бошқа соҳаларда эришилган келишув ва битимларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш каби масалалар кенг муҳокама қилинади.

Таъкидлаганимиздек, сўнгги йилларда Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларини мустаҳкамлаш сари дадил қадамлар қўйилди. Ўзаро муносабатлар динамикаси мисли кўрилмаган даражага етди. Икки мамлакат раҳбарларининг қатъий саяё-ҳаракатлари туфайли ўртада конструктив ҳамкорлик муҳити юзага келган.

Шундай шароитда биз депутатларнинг асосий вазифаси қайта жонланган ўзаро дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, икки халқни бир-бирига янада яқинлаштиришдан иборат. Зеро, ўзбек-тожик биродарлиги Марказий Осиёда яхши қўшничилик, тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Қодир Жўраев,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси

“Ҳар тўрт инсоннинг бирида руҳий муаммо!”

Нью Йоркдаги One World Counselling психологик ёрдам маркази мутахассиси Гулшода Остернинг фикрига кўра, яқин орада руҳий муаммолар ҳозирда энг кўп тарқалган, дея ҳисобланадиган юрак хасталикларидан сўнг иккинчи ўринга чиқиши башорат қилинмоқда. Ҳар қандай давлатда психиатрия ёрдамини ташкил этиш давлатнинг ўзига хос бўлган тарихий, маданий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллари асосида шаклланади.

Лекин бир қатор давлатларда бундай касалликларга чалинган инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонуний ҳимояга олинмаган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тақдим этган маълумотларга кўра, ҳозирда ўртача ҳар тўрт инсондан биттасида руҳий муаммолар кузатилмоқда.

Президентимизнинг тегиш-

ли қарориди Вазирлар Маҳкамаси янги таҳрирдаги “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва киритишда аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари функциялари ҳамда ваколатлари аниқ чегараланишини ҳамда руҳий ҳолати бузилган шахслар манфаатлари йўлида маъмуриятчилик сифа-

тини оширишни назарда тутиши кераклиги белгиланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан киритилган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг Фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси бошчилигида ишчи гуруҳ томонидан синчиклаб ўрганилди.

Қонунга ўзгартиришлар киритишдан кўзда тутилган мақсад руҳий ҳолати бузилган шахслар манфаатлари йўлида маъмуриятчилик сифатини ошириш, психиатрия хизмати билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш ҳисобланади. Лойиҳада руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва психиатрия ёрдами билан таъминлаш, психиатрия ёрдами кўрсатувчи шахслар ва муассасалар белгилаб берилди.

Аввал миллий қонунчиликда бўлмаган “психиатрия ёрдами”, “психиатрия муассасаси”, “руҳий ҳолат бузилиши” каби тушунчаларга аниқ таърифлар берилди.

Қонун лойиҳасида алоҳида модда билан республи-

камизда руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли диспансер кузатувига олинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг психиатрия муассасаларида қанча муддат бўлганликлари, берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва тақдим қилинган имтиёзлардан иборат маълумотларнинг ягона электрон реестри юритилиши киритилган. Бу эса соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида асосли ва тезкор ахборот олиш, даволаш профилактика ишларини тўғри ташкил этиш, қонун билан кафолатланган ҳуқуқлардан ҳеч қандай тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини яратади.

Ҳужжатда руҳий ҳолати бузилган шахсларни жамиятда асоссиз камситишга йўл қўймастик, шу билан бирга, жамиятни руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ижтимоий хавfli қилмишларидан ҳимоя қилишга қаратилган нормалар ўз аксини топган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва ҳар қандай ҳолатда қонун устуворлигини таъминлашни кўзда тутди. Руҳий касаллика чалинган беморларнинг бошқа шахслардан фарқи баъзи ҳолларда уларни муомалага лаёқатсиз, деб топилишидир. Амалдаги


қонунда бу жараён тўлиқ ёритилмагани учун лойиҳада бу ҳолатга ҳам аниқлик киритилмоқда.

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасида руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимояси, тиббий ходимлари ва бошқа мутахассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, психиатрия ёрдами турлари, психиатрия ёрдами кўрсатиш бўйича ҳаракатлар устидан шикоят қилиш тартиби қайд этилган. Қонунга киритилаётган янгилеклардан бири руҳий ҳолат бузилиши қайд этилган шахсларни тиббий ижтимоий муассасаларга жойлаштириш тартибига аниқликлар киритилганлиги бўлиб, унинг асосида амалда учраётган бюрократик оврагарчиликларнинг олди олинади.

Хулоса қилиб айтганда, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар жамиятда фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини қонуний кафолатланиши, руҳий бузилиш қайд этилган беморларнинг даволаниши, ижтимоий ҳаётга қайта адаптация қилиниши, манфаатлари ҳимоя қилиниши учун мустаҳкам асос бўлади.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси ташкил этилди.



Бир пайтлар ўқитувчи

кўча супуради...

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан – боғча ва мактаблардан бошланишини кўрамыз. Чунки мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори — мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчидир.



Шавкат ҚЎШБОҚОВ,
Қўшработ тумани халқ таълим бўлими мудири

50 фоизгача қўшимча ойлик устамалар тўланмоқда. Нафақа ёшида фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларга пенсияси тўлиқ миқдорда берилмоқда.

Таълимда юз бераётган шундай жараёнларни Қўшработ мисолида таҳлил этсак: туманда кейинги уч йилда инвестиция дастури асосида 6 та мактабда 660 ўринли, “Обод қишлоқ” дастури доирасида 9 та мактабда 840 ўринли қўшимча бинолар қурилди, 16 та мактаб реконструкция қилинди. Барча мактаблар замонавий жиҳозлар — стол-стул, компьютер жамланмалари, кўргазмалар қуроллар билан таъминланди.

Иш ҳақи камлигидан, қишлоқ мактабида ўқитувчи меҳнатига, обрўсига эътибор йўқлиги боис таълим соҳасидан бегиб, бошқа соҳаларда ишлаётган 100 нафар малакали муаллим яна мактабларда ишлаш бошлади. 35 нафар нафақа ёшидаги ўқитувчи яна кадрдон мактабига, севимли ўқувчилари, шогирдлари ёнига қайтди.

Давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ, халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда 48 та мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича аниқ механизмлар белгиланди. Масалан, 2030 йилга бориб ўқитувчилар билимини баҳолаш бўйича PISA халқаро дастури рейтингига Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб кўйилди.

Туманда фақатгина ижтимоий жабҳада эмас, барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, тўпланиб қолган муаммолар ва уларнинг ечимини, барча ижобий ўзгаришларни биринчи галда мактаб билан боғлаш адолатли бўлади. Негаки, ҳеч бир соҳани мактабсиз тасаввур қилолмаймиз. Давримизнинг энг илғор кишилари, олимлар фузалолари, раҳбарлик лавозимида ишлаётганлару етук мутахассисларнинг бариси ана шу

мактаблардан билимлар дунёси сари парвоз этишади. Биргина Қўшработнинг ўзидан 2 нафар академик, 53 нафар профессор ва фан докторлари, 123 нафар фан номзодлари етишиб чиққани мамлакатимиз илм-фанидаги иштирокининг қай даражада эканлигини ифода қилади турибди.

Айни пайтда туманда 89 та умумий ўрта таълим мактаби, 1 та “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолият кўрсатмоқда. Ўрта таълим мактабларидаги 25403 нафар ўқувчига 2798 нафар ўқитувчи (уларнинг 952 нафари ёки 34 фоизи аёллар) таълим-тарбия беради.

2020 йилда Инвестиция дас-

да мактабларга бўлган эътибор мутасадди раҳбарларнинг деярли ёдларидан кўтарилди. Таъмирталаб, керакли кадрларга муҳтож мактаблар кўпайди.

Бунинг устига ўша йилларда олдиндан “урф”га айланиб қолган мажбурий меҳнат ажига чиққанди. Ўқитувчилару ўқувчилар қўшни туманларга пахта йиғим-теримига ва бошқа мавсумий ишларга, айрим ҳолларда, ҳатто, кўча супуришгача жалб қилинарди. Бундай тутум натижасида таълим соҳаси жар ёқасига келиб қолди. Ўз қадрини билган кўпгина билимдон ўқитувчилар мактабни ташлаб, бошқа соҳаларга ўтиб кетишди.

Фақат 2019 йилга келиб, халқ таълимидаги ишлар қайта жонланди, жойларда янги таълим қорғоқлари бунёд этишга, уларда ўқитувчи ва ўқувчилар учун етарли шароитлар яратишга киришилди. Ўқитувчининг қадри ошди.

Шу йилнинг ўзида туманимизда “Обод қишлоқ” Давлат дастури доирасида 10 та умумтаълим мактабида қўшимча ўқув бинолари қурилди ва 4 умумтаълим мактабининг филиали фойдаланишга топширилди. Инвестиция дастури доирасида 41 умумтаълим мактабида 160 ўринли қўшимча бино, фаоллар зали ва спорт зали фойдаланишга топширилди.

Туманнинг барча жабҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларида ёшларнинг қўшаётган ҳиссалари салмоқли эканига шубҳа қилмас бўлади. Бугун туманда айнан ёшларнинг мавжуд имкониятлардан фойдаланиши, давр билан ҳамнафасу ҳамқадам бўлишлари йўлидаги ҳаракати туман ҳокимлиги томонидан доимий қўллаб-қувватланапти.

Бугун мамлакатимизда халқ таълими тизими ривожиди

Туманнинг барча жабҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларида ёшларнинг қўшаётган ҳиссалари салмоқли эканига шубҳа қилмас бўлади. Бугун туманда айнан ёшларнинг мавжуд имкониятлардан фойдаланишлари, давр билан ҳамнафасу ҳамқадам бўлишлари йўлидаги ҳаракатлари туман ҳокимлиги томонидан доимий қўллаб-қувватланапти.

тури бўйича 31 умумтаълим мактаби спорт залида 1,012 миллиард сўм миқдордаги қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. “Инқирозга қарши курашиш” дастури асосида 48 умумтаълим мактабининг 270 ўринли биноси ва спорт зали (1,120 миллиард сўмлик) мукамал таъмирланмоқда. Шунингдек, “Обод маҳалла” дастури бўйича 26 мактабда 240 ўринли қўшимча бинолар, маҳаллий бюджетдан 54 умумтаълим мактабида 32 ўринли Ганам филиали ва 64 умумтаълим мактабида мини футбол майдони қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

2004-2019 йиллар мобайнида тумандаги умумтаълим мактабларининг 8 таси янгидан қурилди, 70 таси реконструкция қилинди ва 11 таси мукамал таъмирдан чиқарилди. Шундан сўнг туманимиз-


янги босқичга ўтиш жараёни кечмоқда. Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва улар натижаларини жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида халқ таълими тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Бугун Қўшработда амалга оширилаётган ишлар ҳам айнан шу ислохотларга монанд ва мосдир. Масалан, 2019 йилда “Обод қишлоқ” дастури бўйича 32 умумий ўрта таълим мактабида 1 миллиард 802 миллион сўм маблағ ҳисобига 140 ўринли қўшимча бино қурилди. 41 ва 48 мактабларда ҳам 140 ўринли қўшимча бино барпо этилди. 26 мактабда ўқувчи ўринлари сони 240 тага кўпайдиган бўлди. 55 умумтаълим мактаби эса мукамал таъмирланди. Бугун бу таълим даргоҳларининг кўринишига қараб кўз қувнайди. Ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар яратилган шароитлардан хурсанд.

Ҳозирги кунда барча мактабларимизда ўқувчи-ёшларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, етук кадрлар бўлиб етишиш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди, ўқув дарсликлари, компьютер техникалари, техника воситалари, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

Президентимизнинг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида собиқ Қўшработ қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи базасида 90 сонли математика фанига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ташкил этиладиган бўлди.

Бунинг сабаби аввалдан ҳам бу ҳудуддан математика соҳаси билимдонлари кўп чиққан. Улар орасида аниқ ва табиий фанлар соҳасида 2 нафар академик, 12 нафар профессор ва фан докторлари, 40 дан зиёд физика-математика фанлари номзодлари бор. Ана шундай муҳитда ташкил топган математика мактабининг келажаги порлоқ эканига шубҳа қилмас бўлади.



ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҲ!

Каттақўрғонда икки мингдан ортиқ иш ўринлари яратилади.

Тараққиётга қанот бўлаётган тадбиркор

Номаълум тадбиркор Намангандаги мактабга 25 та телевизор совға қилди. Бир савобталаб тадбиркор пандемия шароитида қишлоқ аҳолисига машина-машина ун тарқатди. Маҳалладаги 2-3 нафар тадбиркор бирикиб, ҳамма кўчаларни асфальт қилиб берди...



натижасида Жиззах вилоятининг Арнасой туманида экин учун яроқсиз 1 минг 100 гектарга яқин ер майдони вилоят ҳоқими қарори билан ижарага олинди. Ўз маблаг ҳисобига қисқа муддатда ерга ишлов берилди. Ернинг шўрланиш даражаси бартаараф этилиб, экин майдонига айлантирилди ва, энг муҳими, бир неча юзлаб доимий иш ўрни яратилди. Айтиш керакки, бу ва бошқа дуккакли экинлар, пахта, галла, шол, кунгабоқар, саримсоқ, пиёз, пиёз ва бошқа полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Маҳсулотлар, аввало, ички бозорга йўналтирилди, кейинги босқичда эса Қозғистон, Россия, Хитой, Афғонистон, Қатар каби бошқа давлатларга экспорт йўлга қўйилди. Компания жонкуярлари Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги элчихонаси ва Екатеринбург шаҳридаги Бош консулхонаси кўмагида Россиянинг йирик савдо тармоқларига маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини узлуксиз етказиб беришни бошлади. 2018 йилдан эса йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга киришди.

кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқулов. — Ўша вақтдан тадбиркорлар учун янги имконият, давлат томонидан қарорлар тақдим этила бошланди. Бозор муносабатларини либераллаштириш, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, рўйхатга олиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришнинг рақамлаштирилгани, давлат идораларининг мулоқот учун очиқлиги, улар устидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани, коррупцияга қарши муросасиз кураш каби мамлакатнинг барча жабҳаларида туб ислохотлар даври бошланган эди.

Шу тариқа янги Ўзбекистон шаклланаётгани, мамлакатда кенг қамровли чуқур ва изчил ислохотлар, ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар ўз фаолиятида ҳис қила бошлади. Мамлакатта сармоя киритиш истагидаги инвесторлар сони кундан-кун ортаётгани эса уларга консалтинг хизматлари кўрсатадиган компания очишга талаб борлигини кўрсатди.

Ҳуқуқшунос-иқтисодчи, давлат ва жамоат ташкилотларида 16 йиллик меҳнат тажрибасига эга Бекзод Маматқулов шу тариқа “BMB Trade Group” компаниясини 2017 йилнинг апрель ойида ташкил этди.

Ташкилот мутасаддиларининг дастлабки интилишлари

ларини сақлаш, қайта ишлаш, калибрлаш, саралаш, лабораториялар сифат текширувини ташкил қилиш, музлатиш ва қадқолаш хизматларини кўрсатиш.

Корхона ташкилотчиларининг айтишича, мазкур қўшма инвестиция лойиҳасининг қиймати 57,7 миллион долларга тенг. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, агрологистика комплексида Россия Федерациясининг “Россельхознадзор” ташкилоти аккредитациясидан ўтган лабораториялар ишга туширилиб, текширувдан ўтган маҳсулотлар учун шу ернинг ўзида тегишли сертификатлар расмийлаштирилади. Бу эса маҳсулотларни божхона чегарасидаги “Яшил йўлак”лар орқали Россия савдо тармоқларига чекловларсиз етказиб бериш имконини беради. Яъни Ўзбекистон экспортчилари Россиянинг ваколатли ва мутасадди идоралари тақдим этадиган расмий ҳужжатларни бевосита Агрологистика комплексида расмийлаштириб, унинг қафолатли экспортни амалга ошириш имкониятидан фойдаланишади. Бу, ўз навбатида, давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларини ва маҳаллий маҳсулотларимизнинг Россия бозорларига экспортини янада оширишга хизмат қилади.

Истиқболли лойиҳалардан яна бири Италиянинг “OPERA SRL” компанияси билан Жиззах вилоятининг Бахмал туманида заъфарон етиштириш, қайта ишлаш ва Европа бозорларига экспорт қилишдир. Барчамиз учун эътиборли ва қувонарли жиҳати бу иккала лойиҳа доирасида минглаб мавсумий иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Энди бошдаги фикримизга қайтсак, айтиш-чи, шунча ишни амалга оширишни осон деб ўйлайсизми? Биргина мисол, компания томонидан ҳозирги кунда умумий қиймати 500 миллион АҚШ доллари атрофидаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан инвесторлар учун яратилган имконият самараси, давлат ва нодавлат ташкилотлар кўмаги, амалий ёрдами ва ҳиссаси натижаси. Бу маблаг ортидан юзлаб оилаларнинг фаровонлиги таъминланган. Улар ҳаётидан, ишидан, яшашидан рози. Барчамизнинг мақсадимиз шу эмасми, аслида?

Лекин бугун баъзи бир ижтимоий тармоқлар ва ОАВда компаниянинг обрўсига путур етказадиган материаллар эълон қилинмоқда. Дунё миқёсида иш бошлаганига эндигина 3 йил тўлган, шу қисқа вақтда ҳам давлат газнасига, ҳам одамларга катта ёрдам кўрсатаётган ташкилотнинг шаштини қайтариш қанчалик тўғри бўлади? Халқаро ҳамкорлар бундай кўнгилсизликларга кўз юмиб кетишига ким кафил бўлади?

Айтмоқчи бўлганимиз, бундай ташкилотларни асраб-авайлаш, керак бўлса, уларга елкадош бўлиб, эл хизматида ёнма-ён туриш шу юрт тақдирига дахлдор ҳар бир фуқаронинг бурчи. Биз қалам аҳли уларнинг

пиёзини экишолмаймиз, ёки экспорт молларини ташиёлмаймиз. Биз уларни дунёга танитамиз. Тиш-тирноғи билан меҳнат қилаётган, бор меҳрини ишига бериб, фойдасини халқимиз билан баҳам кўраётган бу каби илғорларимизни қўллаб-қувватламоғимиз даркор.

Уларнинг қилаётган бу каби самарали ишларини яна кўплаб мисоллар орқали айтишимиз мумкин. Лекин хурматли журналистлар, блогерлар уларнинг иллатини излаш ўрнига ҳикматини ҳам ёритсак, юрт тараққиётига мустақкам ҳисса қўшган бўламиз. Ҳеч биримизга сир эмас, бундан уч-тўрт йил аввал мамлакатга хусусий инвестицияни жалб қилиш ёки сармоядорни Ўзбекистонга олиб келиш ҳар доим ҳам осон кечмаган. Бугун айнан шу компания 200 дан ортиқ хорижий шерик билан иш олиб бормоқда.

Албатта, юртимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кенг турларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда улкан салоҳиятга эга. Бироқ узок вақт соҳада тўпланиб қолган муаммолар ушбу имкониятларни тўлиқ ишга солишни чеклаётган эди. Мана шундай қийинчиликларга қарамай, бугун йирик экспортчига айланди.

Маълум бўлишича, мамлакатимизда етиштирилётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мазаси ва фойдали минералларга бойлиги билан дунёда рақобатбардош, лекин Европа бозори талабларига тўлиқ мос келмайди. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар кўп ҳолларда экинларга ишлов беришда ўзлари эътибор бермаган ҳолда Европада тақиқланган минерал ўғитлардан фойдаланади. Компания мутахассислари Европа бозорига кириб бориш бўйича қатор изланишлар олиб борди. Айтишларича, маркетинг тадқиқотларига кўра, Европанинг қурилган мева ва ёнғоқларга бўлган эҳтиёжи 11 миллиард евро, қурилган сабзавотларга бўлган талаби эса 8 миллиард евродан ошади. Европа бозоридаги Вьетнам каби янги иштирокчилар тажрибаси шуни кўрсатдики, тўғри стратегия асосида иш тутилса, йилига 1 миллиард евродан ортиқ ҳажмдаги маҳсулотни Европага экспорт қилиш имкони бор. Бундан ташқари, 2-3 йил ичида Европа бозори иштирокчиси сифатида импорт қилинадиган маҳсулотларнинг катта улушининг етказиб берувчисига айланиш мумкин.


Айтиш ўринлики, бугун Европа давлатлари Ўзбекистондан экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифатини тан олиб, юқори баҳо беришга.

Энг муҳими, компания давлатимиз сиёсатининг самарали амалга ошишида улкан ҳисса қўшаётганлар қаторида биринчилардан. Юртимизда мана шундай илғорлар кўпаяверсин, халқимиз дастурхони ўз-ўзидан тўкин бўлаверсин.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Жамият” муҳбири



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Жамият – ислохотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.



“Билдирсой-Чимён-Нанай” халқаро курорти лойиҳа офиси ташкил этилади.

Бухорода қуёнчилик ривожланмоқда



**бунда Микрокредитбанк АТБнинг
алоҳида ўрни бор**

**МИКРОКРЕДИТБАНК АКЦИЯДОРЛИК ТИ-
ЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ҚУЁНЧИЛИК
СОҲАСИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ ҲАМДА
РИВОЖИ УЧУН БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА
ОШИРИБ КЕЛИНМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЖОРИЙ
ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА БУХО-
РО ВИЛОЯТИДА ҚУЁНЧИЛИК СОҲАСИ БЎЙИ-
ЧА 23 МЛРД. 740 МЛН. СЎМЛИК 8 ТА ЛОЙИҲА
АНИҚЛАНДИ. УШБУ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА
ТАШАББУСКОРЛАРНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ
ҲИСОБИДАН 8 МЛРД. 705 МЛН. СЎМ, БАНК
КРЕДИТИ ҲИСОБИДАН 15 МЛРД. 035 МЛН.
СЎМ КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИШ КЎЗДА
ТУТИЛГАНДИ. ҲОЗИРГИ КУНГА ҚАДАР 7 ТА
ЛОЙИҲА УЧУН 5 МЛРД. 035 МЛН. СЎМЛИК КРЕ-
ДИТ АЖРАТИЛДИ.**

— дейди корхона ишчиси Су-
лаймон Асадов. — Пандемия
сабаб чет элдаги ишимга қай-
тишнинг имкони бўлмади.
Бироқ ўзимизни қишлоқда
қуёнчилик корхонаси очилга-
нини эшитиб, иш сўраб бор-
дим. Мурожаатим ижобий ҳал
бўлди. Бугун ўз юртимда фао-
лиятимни давом эттиряпман.



МИКРОКРЕДИТБАНК

1 миллион 500
минг сўмгача ой-
лик оляпман. Энг
қувонарлиси, мен
бугун ўз юртимда,
оилам бағрида-
ман.

“Ромитан Шўрча қуёнлари”
МЧЖ бугун на-
инки қуёнчилик,
балки балиқчи-
ликни ривожлан-
тириш мақсадида
ҳам иш олиб бор-
моқда. Тадбир-
кор 25 сотих ерда
ҳовуз тайёрлаб,
балиқчилик соҳа-
сида ҳам тинмай
меҳнат қилмоқда.
Қорамолчилик,
қўйчилик ҳамда паррандачи-
лик соҳасида катта тажрибага
эга тадбиркор Акмал Раҳма-
товнинг бу борадаги ишлари
яхши ривожланмоқда. Айни
пайтда ўзининг замонавий
музлаткичига эга корхона маҳ-
сулотларни гамлаш таралдуди-
да.

Бухоролик Хайрулло Мир-
заев болалиқдан қуён боқишга
қизиқади. Унинг айтишича,
ёшлигида ота-онасининг
раҳнамолигида бошланган
қуёнчилик, кейинчалик
ташландиқ бинода фаоли-
ятини давом эттирди. Соҳа-
ни ривожлантириш бўйича
давлат раҳбари томонидан
имтиёزلарни ўрга-
ниб, фаолиятини
кенгай-
тириш

**Агрофирмани кенгайтириш
мақсадида янги технология
олиб келинди. Янги технология-
да қуёнлар учун озуқа тайёрлай-
миз. Ветеринария ва чорвачи-
ликни ривожлантириш Давлат
қўмитасининг амалий кўмаги
билан зотдор қуёнларимиз сони
кундан-кун ортиб бормоқда.
Қўмита ходимлари бераётган
тавсиялар четдан олиб келин-
ган қуёнларни парваришда
муҳим аҳамият касб этмоқда.**

— 45 миллион сўмга махсус
аппарат сотиб олиб, қуёнлар
учун озуқа ишлаб чиқаряпмиз,
— дейди Бухоро тумани “Дўст-
лик” маҳалла фуқаролар йиғи-
ни Зарафшон кўчаси 14 уйда
яшовчи Хайрулло Мирзаев. —
Озуқа учун беда ўти, бугдой,
арпа, кунгабоқар, шурот, балиқ
уни, туз, соя, бўр, маккажўхо-
ри, ёғ ва бошқа бирикмалар қў-
шилиб, махсус аппаратда ян-
чилади.
Ҳосил
бўлган
қо-
риш-
ма

гранула ҳолатига келтирила-
ди. Жуда ҳам фойдали бу маҳ-
сулотни қуёнлар севиб истей-
мол қилади. Эндиликда мана
шундай озуқаларни тайёрлаб,
сотишга ҳам чиқарамиз. Ав-
валлари бу озуқа водий вилоят-
ларидан олиб келинган. Қўн-
гилдан қилинган иш баракали
бўлур деганларидек, қуёнлар
ҳам яхши парвари-
шланса, 1 йилда 5
марта болалайди. Бир
болалаганда 8-10 та-
гача кўпаяди. Гўшти
парҳезбоп, 3 ойлик
қуён рацион билан
озикланса, 1 ярим
килогача гўшт бера-
ди. Жуни харидоргир
бўлади.

Айни пайтда тад-
биркор 250 дона
“Фландир”, “Коли-
форния”, “Хоккол”
зотли қуёнларни пар-
варишламоқда. Кор-
хонага жорий йилда
“Ҳар бир оила — тад-
биркор” Давлат даст-
тури асосида вилоят
“Микрокредит” бан-
кидан 160 миллион
сўм кредит ажратил-
ди. Корхонада шу
кунгача 5 та иш ўрни
яратилди. Ишчилар-
га 1 миллион сўмдан
ҳар ой иш ҳақи берилмоқда.
Корхона томонидан аҳолига 3
мингта зотдор қуён тарқатил-
ди. Тарқатган қуёнларни аҳо-
ли боқиб, қайтиб корхонага
сотлади. Сотиб олинган зотдор
қуёнларни яна кўпайтиради.

Маълумотларга кўра, вило-
ятда 2020 йилнинг ўтган дав-
рида қуёнчилик билан шуғул-
ланиш истагидаги жисмоний
шахсларга 1 млрд. 630 млн. сўм
миқдорига кредит маблағла-
ри ажратилди ва 81 та янги иш
ўрни яратилди. Бундан ташқари,
худудда жорий йилнинг
охирига қадар 400 млн. сўм
кредит ҳисобига 570 та хона-
донга 10 бошдан жами 5 700
бош она қуён тарқатиш режа-
лаштирилган.

Жорий йилнинг якунига
қадар вилоятдаги агрофирма-
лар ва аҳоли хонадонларига 15
млрд. 400 млн. сўмлик маблағ
ҳисобига қуёнлар сонини 43
500 бошга етказиш ҳамда 84
тонна қуён гўшти ва 43 500
дона қуён териси олиш мўл-
жалланган. Мазкур саъй-ҳа-
ракатлар натижасида 600
кишининг бандлиги таъ-
минланади.


Банк ахборот хизмати.



Жумладан, Ромитан туманида
фаолият олиб бораётган
“Муҳаммадий Озодбек Замини”
фермер хўжалиги томонидан
қуёнчилик агрофирмаси
ташқил этилиб, Россиядан 600
бош “Хиккол” зотли қуён олиб
келинди. Агрофирмага 1 млрд.
600 млн. сўм кредит маблағи
ажратилиб, қурилиш ва таъ-
мирлаш ишларига, қуён сотиб
олишга, қуён озуқаси ва бошқа
харажатларга сарфланди.
Агрофирмада қўшимча тарзда
яна 10 та янги ишчи ўринлари
ташқил қилинди. Эътиборли-
си, бу ерда жорий йил якуни-
га қадар қуёнлар сонини 25 000
тага етказиш режалаштирил-
ган.

— “Ромитан Шўрча қуён-
лари” масъулияти чекланган
жамиятига Россия давлатидан
200 бош (шундан 180 таси она
қуён, 20 таси эркак қуён) “Хик-
кол” зотли қуён олиб келин-
ди, — дейди Микрокредитбанк
АТБ аҳоли ва оилавий тадбир-
корликни кредитлаш шўбаси
бош мутахассиси Шуҳрат Ҳо-
жиев. — Агрофирмага 1 мил-
лиард 280 миллион сўм кредит
маблағи ажратилди. Ушбу маб-
лағлар қурилиш ва таъмирлаш
ҳамда қуён сотиб олиш, қуён-
лар учун қафаслар, озуқа ва бо-
шқа харажатларга сарфланди.
2020 йил якунига қадар қуён-
лар сонини 8 мингтага еткази-
ш режалаштирилган.

— Банк кредити ҳамда
ўзимнинг 200 миллион сўм-
лик ўз маблағимиз билан
агрофирмани қурдик, —



Олот туманида бўш турган ётоқхона шароити оғир оилалар учун тураржойга мослаштирилади.

Ипотека кредитлари янада соддалашди

танлов эса ўз қўлимизда

Бугун аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам ортди. Сабаби аҳоли сони ортмоқда, одамлар эмин-эркин яшашга интилишмоқда. Ва кўз юммаслигимиз керакки, бу жараёнда қатор тушунмовчиликлар, келишмовчиликлар келиб чиқмоқда. Баъзи одамларда норозилик пайдо бўлиб, банклар томонидан кредит орқали ажратиладиган уй-жойларга ишончсизлик ҳам пайдо бўлмоқда. Ижтимоий тармоқларда бўлаётган муҳокамадан ҳам буларни англаш мумкин.

Хўш, аслида, бугунги кунда соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Одамларни кўпроқ қандай саволлар қизиқтирмоқда? Буни халқимизга етказиш учун ипотека кредитлари хусусида фикр юритишга қарор қилдик...

Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмаларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони аҳолини уй-жой билан таъминлаш мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканини яна бир бор исботлади.

Ушбу ҳужжат асосида жорий йилдан бошлаб, аҳолига тижорат банклари томонидан янги тартиб асосида ипотека кредитлари ажратиш йўлга қўйилди. Бунда айрим шахсларга, шу жумладан, кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўланиши белгиланди.

Шунингдек, ҳужжатда келтирилишича, одамлар бирламчи бозордан исталган жойдан ўзи танлаган уй-жойни ипотека кредити ҳисобига сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Бунда айрим шахслар (кам даромадли ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилалар)га ипотека кредитлари учун субсидиялар ажратилади.

Мазкур йўналишга оид ишлаб чиқилган дастур доирасида ипотека кредитлари аҳолига 20 йил муддатга тижорат фоиз ставкаларида (бугунги кунда 17-18 фоиздан) аннуитет тўлов шарти билан ажратилади. Бошланғич бадал эса 20 фоиз. Айрим шахсларга уй-жой бошланғич бадал суммасининг тенг ярми ва кредит фоизларининг вилоят шаҳарларида 10 фоиздан ва Тошкент шаҳрида 12 фоиздан ортган қисми давлат бюджети томонидан тўлаб

қилинади. Мамлакатимизда ипотека бозорини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган фармон ва қарорлардан беҳабар бўлган баъзилар тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлар бўйича фоиз ставкалар юқори экани кредит тўловларини тўлашда қийинчилик бўлаётгани юзасидан эътирозлар билдирмоқда. Шундай тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида бу каби қатор муҳтожликларни кўриб чиқяпмиз.

Хусусан, уларнинг бирида юртдошимиз бугунги кунда ипотека кредити ҳисобига уй-жой сотиб олоқчилиги, уй-жой баҳоси 260 миллион сўм бўлиб, бунинг учун 100 миллион сўм бадал маблағини банкка қўйиши кераклиги бу пулларни жамлаш қийин кечгани, бадални эса Россия Федера-

Жадвал			
	Давлат дастури доирасида (муддати 20 йил)	Қарз олувчига субсидия ажратиш дастури доирасида (муддати 20 йил)	Тижорат шартдаги ипотека кредити (муддати 20 йил)
Уй-жой баҳоси	260 млн.сўм		
Бошланғич бадал	39 млн.сўм (15%)	52 млн.сўм (20%)	52 млн.сўм
Давлат томонидан қопланадиган қисми	-	26 млн.сўм (10%)	-
Фуқаро томонидан шакллантириладиган қисми	39 млн.сўм (15%)	26 млн.сўм (10%)	52 млн.сўм (20%)
Ипотека кредит суммаси	221 млн. сўм	208 млн.сўм	208 млн. сўм
Ойлик кредит тўлови	1 816.4 минг. сўм	3 210 минг сўм	3 210 минг сўм
Давлат томонидан қопланадиган қисми	-	1 386.7 минг сўм	-
Фуқаро томонидан тўланадиган қисми	1 816.4 минг сўм	1 823.4 минг сўм	3 210 минг сўм
Ипотека кредити 160 млн. сўм бўлганда ойлик тўлов:	1 315 минг сўм	1 402.6 минг сўм	2 469,3 минг сўм

берилади.

Мамлакатимизда ипотека бозорини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган фармон ва қарорлардан беҳабар бўлган баъзилар тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлар бўйича фоиз ставкалар юқори экани кредит тўловларини тўлашда қийинчилик бўлаётгани юзасидан эътирозлар билдирмоқда. Шундай тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида бу каби қатор муҳтожликларни кўриб чиқяпмиз.

Хусусан, уларнинг бирида юртдошимиз бугунги кунда ипотека кредити ҳисобига уй-жой сотиб олоқчилиги, уй-жой баҳоси 260 миллион сўм бўлиб, бунинг учун 100 миллион сўм бадал маблағини банкка қўйиши кераклиги бу пулларни жамлаш қийин кечгани, бадални эса Россия Федера-

Фуқаро хорижда вақтинчалик ишлаётган бўлса, давлат томонидан меҳнат мигрантларига жорий қилинган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда субсидия тўловлари асосида ипотека кредити олиш мумкин.

соб-китоб қилиб кўрамыз;

Мамлакатимизда кредитлар давлат дастури доирасида ажратиладиган ҳеч кимга сир эмас. Мазкур кредит аҳолига 20 йил муддатга 1 йил имтиёзли давр билан дастлабки 5 йилда 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасигача ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида бўлиши кўрсатиб ўтилган. Бошланғич бадал 15 фоиз этиб белгиланган.

Уй-жой баҳоси 260 миллион



ИПОТЕКА BANK

сўм бўлганда бошланғич бадал 39 миллион сўм, ипотека кредити 221 миллион сўм бўлади.

Юқорида зикр этилган фармон бўйича эса аҳоли бирламчи бозордан ўзи танлаган уй-жойни ипотека кредити ҳисобига сотиб олади. Айрим

Фуқаро томонидан сотиб олиниши режалаштирилган уй-жой бўйича давлат дастури доирасида субсидия тўлаш орқали ҳамда тижорат шартдаги ипотека кредитларини қуйидаги жадвалда таққосланган ҳолда ҳам кўришимиз мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, фуқарога тижорат шартларда 160 миллион сўм ипотека кредити ажратилганда ҳам ойлик тўлов 2 469,3 минг сўмдан ошмайди.

Фуқаро хорижда вақтинчалик ишлаётган бўлса, давлат томонидан меҳнат мигрантларига жорий қилинган имтиёزلардан фойдаланган ҳолда субсидия тўловлари асосида ипотека кредити олиши мумкин. Бунда фуқаро қуйидаги имтиёزلарга эга бўлади:

Уй-жой қийматининг 10 фоиз қисми — 26 миллион сўм; Ойлик кредит тўловларининг 10 фоиздан ортган қисми ойига 1,4 миллион сўм (5 йил давомида) тўлаб берилади.


Яна бир муҳтожлик шундай дейилган: илгари кредит олган шахслар бошланғич бадал ёки фоиз учун субсидия олиши мумкинми?

Илгари арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартира ёки якка тартибдаги уй-жой ҳамда субсидиялар олган оила аъзолари (эри, хотин)га такрорий муҳтожлик этганда субсидия тўланиши рад этилиши мумкин.

Шунингдек, потенциал қарз олувчиларга ўрнатилган мувофиқлик мезонларига жавоб берадиган, қарз юки кўрсаткичи 70 фоиздан юқори бўлмаган, ипотека кредитини ажратишни кўриб чиқиш вақтида кредит ташкилотларидан аввалги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлмаган шахслар янги тартиб асосида ипотека кредитлари олиши мумкин.

Демак, кўриниб турибдики, бугун халқимиз учун барча қулайликларни яратиш мақсадида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Муҳими, одамлар берилган имкониятларни яхшилаб ўрганиб чиқиб, ўзига қулай бўлган вариантни танлашида.

**Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Жамияти” мухбири**



ҚИСҚА САТРЛАРДА УҚИНИ!

Бюджет ташкилотлари ходимларига айрим тўловларни тўлашни тўхтатиб туриш муддати 2020 йил 1 октябрдан 2021 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Сен бой бўсанг, маҳалланг ҳам, юртинг ҳам бой бўлади

Бугун Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги файзли маҳаллаларда, миришкор, меҳнатсевар, ўз меҳнати ортидан кўплаб натижаларга эришиб келаётган, ўзининг деҳқончилик, боғдорчилиги билан ўз маскани номини юртимизга танитаётган инсонлар кам эмас.

Олтиариқнинг “Полосон” маҳалласини кўпчилик яхши билади. Қишлоқнинг сархил узумлари, бодиринг, витаминга бой сара навли помидорлари билан ажралиб туради. Маҳалла аҳолиси асосан, узумчилик, боғдорчилик билан шуғулланади. “Полосон”ликлар бир қарич ерни ҳам қадрлаб, ундан унумли фойдаланиб, томорқачилик ортидан рўзгор тебратиб келмоқда.

— Маҳалламизда 41 та хўжаликда иссиқхоналар ташкил этилиб, помидор, бодиринг қалампир етиштириб келинмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳалимаҳон Сотволдиева. — Деҳқонларимиз бир йилда 4-5 марта ҳосил олади ва буни фарзандларига ҳам ўргатади. Бундан ташқари, бизда оилавий тадбиркор, хунармандлар фаолият кўрсатиб келмоқда. 16 нафар фуқаро ишсиз деб топилган бўлса, шу кунга қадар улар мавсумий иш билан таъминланди. 10 нафар кам таъминланган оилалар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ҳолидан доимий хабар олиб турилади.

“Ибн Сино” маҳалласида ҳам фуқароларга барча имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг камбағалликнинг олдини олиш борасида белгилаб берган вазифалари, қарорлари ижросини таъминлаш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

— Бу асосда маҳалламизда 32 та оила рўйхати шакллантирилди, — дейди маҳалла раиси Ҳурматоӣ Мансурова. — Ишсиз деб рўйхатга олинган фуқаролар бандлиги таъминланди. 7 та оилага қорамол, 5 та оилага қўй, 3 та оилага иссиқхона куриб берилди. Ҳозирда ҳудудимизда 22 та тадбиркор, хунармандлар фаолият кўрсатмоқда.

Энг қувонарлиси, яқинда маҳалламизда ҳомийлик йўли билан 200 та хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди.

— Маҳалламизда бугунги кунда 2739 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Фарғона туманидаги “Сойбўйи” МФЙ раиси Нажмиддин Камолов. — Ҳудудимизда 3 та кам таъминланган оила мавжуд. Улардан хабар олиб турамыз. Маҳалламизда оилаларни асраш, одамлар ўртасида меҳр оқибатни кучайтириш борасида олиб борилаётган тарғибот тадбирлари туфайли маҳалламизда ажримлар қузатилгани йўқ. Ҳозирда ҳудудимизда юздан ортиқ хунарманд фаолият кўрсатмоқда. Уларга 200 дан ортиқ ёшлар бириктирилган.

Тумандаги “Чимён” маҳалласида ҳам бугун жўшқин ҳаёт давом этмоқда. “Чимён”ликлар ҳам чинакам меҳнат орти-

дан фаровон турмуш кечириб келмоқда. Маҳаллада 2445 нафар аҳоли истиқомат қилади. Эҳтиёжманд оилаларни аниқлаб, уларни “темир дафтар”га киритиш ҳамда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишларига эътибор қаратиб келинмоқда.

Бешариқнинг “Файзобод” маҳалласида ҳам фуқаролар манфаати, аҳоли фаровонлигига катта эътибор қаратилган. Улар меҳнатдан, машаққатдан қочмайди. Томорқачиликдан ташқари, узумчилик, тадбиркорлик, хунармандчилик ҳаётига янада фаровонлик олиб келмоқда. Шу боис ҳам бу ерда бўш юрган кишини кўрмайсиз.

— Фуқароларимиз аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги билан кундан-кунига ҳудудимиз, кўчаларимиз янада обод бўлиб бормоқда, — дейди маҳалла раиси Гулбаҳор Азимова. — Маҳалламиз ободлиги, унинг гўзаллиги учун барча бирдек қайғуради. Умуман, одамларнинг ўз ҳаётидан розилиги, уларнинг шукрона сўзларидан яққол сезилиб туради.

Шу туманнинг “Қияли” маҳалласида кўп йиллардан буён деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган бобо деҳқонлар, заҳматқаш, миришкор инсонлар ҳаёт кечиради. Ҳозирга қадар туманда 300 гектар ер ўзлаштирилиб 90 та оилага ажратиб берилди. Улар бу ерда деҳқончилик қилиб, даромадларини ошириб боради. Йил охирига қадар эса яна 600 гектар ер ўзлаштирилиб аҳолига тарқатилиши режалаштирилган. Маҳалла раиси Улуғбек Қўчқоровнинг таъкидлашича, ҳозирда бу ерда балиқчиликни ривожлантиришга аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда 200 гектар ерда балиқчилик фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 100 дан ошиқ ишчи ўрни яратилган. Туманнинг “Ариқбоши” маҳалласида қатор ибратли ишлар бажарилди. 24 нафар ишсиз аниқланиб, маҳалла ёрдами билан 18 нафари иш билан банд этилди. Маҳалла раиси Ҳолматжон Ўсаровнинг гапларига кўра, ҳозирда маҳаллада 3210 нафар аҳоли, 810 оила умргузаронлик қилмоқда.

Қишлоқларимиз, шаҳарларимиз, маҳалларимизнинг янада чирой очиб бориши дилларимизни доимо фахру-ифтихорга тўлдириб, шу эл учун янада фидойи бўлиб яшашга, меҳнат қилишга чорлаб бораверади. Ҳалол хизматингни қилиб, бой бўлсанг, маҳалланг ҳам, юртинг ҳам бой бўлади.

Рустам МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти

Карантин талаблари ҳам юмшатилиб, таълим муассасаларида ўқув ишлари босқичма-босқич тикланмоқда. Ҳозирги асосий вазифа таълим муассасаларининг инфекция ўчоғига айланиб қолмаслигининг олдини олишдир. Бу, аввало, барча мутасаддилардан, қолаверса, сектор раҳбарларидан катта масъулият талаб этади. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида Оҳангарон шаҳридаги 4 секторда ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ёрдамга муҳтожлар доим топилади



ҳамда ўқув қуроллари билан таъминланди. Оиланинг даромадини ошириш мақсадида тадбиркорлар кўмағида 200 дона товۇқ ҳадя этилди.

Сектор раҳбари Анвар Турдубоев ҳудуддаги 7 ёрдамчи махсус таълим муассасасида бўлиб, мактаб ўқувчилари учун 1000 дона тиббий ниқоб ҳадя қилди. Бундан олдинроқ эса мутасаддилар томонидан тиббиёт бирлашмасига 100 дона комбинезон тақдим этилган эди. Булардан ташқари, “Бирлик” МФЙ аъзоси Р.Фаттахуддинов яшаётган уйнинг томи ҳомийлар кўмағида ёпилмоқда. Айнан шу кунги уйнинг томини ёпиш учун 36 дона шифер ва мих олиб келинди.

Тошкент вилояти ДСБ бошлиғи Равшан Раимов бошчилигида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида Президентимизнинг қарор ва кўрсатмаларини ижро этиш юзасидан кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган. Масалан, Оҳангарон шаҳар 4 сектор раҳбари томонидан “Оҳангарон” маҳалласида яшовчи 7 нафар фарзанди бор Ҳалима Юнусова оиласига ёрдам кўрсатилди. Унинг ҳар бир фарзандига 500 000 сўмдан моддий ёрдам пуллари берилди, қишки кийим-кечак

Шунингдек, Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 6 умум таълим мактабига хавфсизлик қондасига тегишли усқуналар етказиб берилди. Шаҳардаги 3 та кам таъминланган, 12 та ижтимоий ҳимояга муҳтож, 30 та ногиронлиги бор оилаларга моддий ёрдам сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа керакли воситалар тарқатилди.

— Коронавирус пандемияси даврида банд бўлмаган фуқаролар вақтинчалик жамоат ишларига жалб қилинди, — дейди 4 сектор раҳбари, шаҳар ДСИ бошлиғи Анвар Турдубоев. — 2020 йил 20 сентябрь ҳолатига кўра, 265 нафар ишсиз аҳоли йирик ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишга жойлаштирилди. 139 нафар ишсизлар ўзини ўзи банд қилиб, ишга жалб қилинган ҳолатда даромад топишмоқда.

Ашурали БОЙМУРОД

ЭЪЛОҲ

Шодмонов Илҳом Искандаровичга 2007 йилда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 70 мктаб томонидан берилган О•R-SH № 0759309 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий

ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ


Таҳрир хайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Раҳмат Маматов
Нуриддин Убайдуллаев
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ақтам Ҳайитов
Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-914 Адади: 1052.
Жума кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Маъсуда Ёқубова

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
ЎЗА яқуни:
Топширилган вақти: 19.35
1 2 3 4 5 6



Янги тартибдаги уй-жой қуришга ипотека кредити ажратишнинг соддалаштирилган тизими жорий қилинади.


 IPOTEKA BANK

*— Азиз ва мўътабар
устозлар, барчангизни
Ўқитувчи ва мураббийлар
куни билан чин
кўнгилдан қутлаймиз.*

*Илм-фан тараққиёти,
фарзандларимиз камоли,
юртимиз равнақи йўлида
олиб бораётган машаққатли
ва шарафли ишларингизга
омад ёр бўлсин!*

